
Фермер иссиқхона қурди

Бу бир мавсумда 300 миллион сўм фойда олиш имкониятини берди

Ўзбекистон туманидаги “Мулла Абдуқодир” фермер хўжалигида қўшимча тармоқ – иссиқхона фаолияти йўлга қўйилди.

“Агробанк” туман бўлиmidан 500 миллион сўм кредит олиниб, 60 сотих майдонда иссиқхона ташкил этилди. Натижада 16 та янги иш ўринлари яратилди. Помидор айна кунда қийғос ҳосилга кирган. Шу кунга қадар ички бозорларга 25 тоннадан ортиқ маҳсулот сотилди.

— Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, бир мавсумнинг ўзида 300 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни кўзлаб турибмиз, — дейди фермер Абдоржон Қодиров. — Шунингдек, кузги бодринг, қовун етиштириш борасида иш олиб боряпмиз. Бу ҳам фермер хўжалигимиз иқтисодий имкониятларини ошириш, тармоқ фаолиятни кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имкониятини беради.

Асосан ғалла ва пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги қўшимча тармоқлар фаолиятини янада кенгайтириш тараддудида. Шу мақсадда асаларичиликни ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда.

Манба: "Фарғона ҳақиқати" газетаси

Матн ва суратлар муаллифи Шерзод Қорабоев.

2020-06-03 11:39:59